

И.ф.д., проф. Самариддин Элмирзаев
Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси

КОРПОРАТИВ МОЛИЯНИ БОШҚАРИШДА СОЛИҚ ОМИЛИНИ ҲИСОБГА ОЛИШ

Аннотация: Илмий мақолада корпоратив молияни бошқаришда солиқ омилини ҳисобга олиш масалалари тадқиқ қилинган. Унда корпоратив солиқ менежменти, солиқларни режалаштириш, солиқ рискларини бошқариш, корпоратив молияни бошқаришда солиқ маслаҳатининг самарадорлигини ошириш кабилар тадқиқотнинг асосий йўналишлари сифатида кўриб чиқилган. Тадқиқот натижалари асосида хулосалар, илмий таклиф ва амалий тавсиялар келтирилган.

Калит сўзлар: корпоратив молия, солиқ, солиқ менежменти, солиқларни режалаштириш, солиқ рисклари, солиқ маслаҳати.

CONSIDERING THE TAX FACTOR IN CORPORATE FINANCIAL MANAGEMENT

Abstract. The scientific article examines the issues of accounting for the tax factor in the management of corporate finance. It considered corporate tax management, tax planning, tax risk management, increasing the effectiveness of tax advice in corporate finance management as the main areas of research. Conclusions, scientific proposals and practical recommendations are presented based on the research results.

Keywords: corporate finance, tax, tax management, tax planning, tax risks, tax advice.

Кириш

Жаҳон иқтисодиётидаги интеграциялашув жараёнларининг кучайиб бориши кўп жиҳатдан корпоратив тузилмаларда юзага келадиган солиқ муносабатларига бевосита боғлиқ. Корпоратив молияни бошқаришда фаоли-ятни хорижий давлатларда ташкил этиш билан боғлиқ қарорлар айнан солиқ омилини ҳам ҳисобга олган ҳолда қабул қилинади ва капитал ҳаракати солиқ юки даражасидан келиб чиққан ҳолда ҳам белгиланади. Бунда инвесторлар мамлакатлардаги сиёсий ва иқтисодий барқарорликка эътибор қаратиш билан бирга солиқ муносабатларининг амалдаги ҳолатини ҳам таҳлил қилиб борадилар.

Ҳозирда жаҳонда корпоратив тузилмалар фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, бунда корпоратив тузилмалар фаолиятини

кенгайтириш мақсадида хорижий капитал жалб қилишни рағбатлантиришга қаратилган солиқлар орқали рақобатлашиш амалиёти кузатилмоқда. Мамлакатлар ўртасидаги солиқ рақобатида ҳар бир давлат томонидан солиқ ставкаларини унификациялаш орқали солиқ юки даражасини кескин камайтириш, солиқ ҳисоботларини ихчамлаштириш, солиқ назоратини соддалаштириш масалаларига устувор даражада эътибор қаратилиши талаб этилмоқда. Шунингдек, алоҳида солиқ режимлари ўрнатилган эркин иқтисодий зоналар ташкил этиш орқали корпоратив тузилмалар фаолиятини ривожлантириш масаласи ҳам алоҳида йўналиш сифатида кўзга ташланмоқда. Айнан келтирилаётган жиҳатлар асосида корпоратив молияни бошқаришда солиқ муносабатларини самарали ташкил этиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мустақиллик йилларида республикада бизнесни ривожлантириш ва корпоратив тузилмалар молиявий-ҳўжалик фаолиятини рағбатлантиришга қаратилган солиқ тизими шакллантирилди. Бунда солиқ юкини камайтириш мақсадида солиқ қонунчилигини такомиллаштириб бориш, солиқ тизимини соддалаштириш каби масалаларга устувор даражада эътибор қаратилиб келинмоқда. 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида “2026 йилга бориб тадбиркорлик субъектларига солиқ юкларини ялпи ички маҳсулотнинг 27,5 фоизидан 25 фоизи даражасига камайтириш” [1] устувор вазифа сифатида қўйилганлиги ҳам бежиз эмас. Бошқа томондан солиқларни самарали режалаштириш ҳам корпоратив тузилмаларда солиқ юкини камайтиришга хизмат қилади. Бунинг учун эса корпоратив молияни бошқаришда ҳар қандай молиявий қарор қабул қилинишида солиқ омилини ҳисобга олиш шарт ҳисобланади.

Адабиётлар таҳлили

Корпоратив молияни бошқариш, молиявий қарорлар натижаларига солиқларнинг таъсири масаласи хорижий ва республикада иқтисодчи олимларнинг доимий эътиборидаги масалалардан биридир. Бунга солиқларнинг маълум ўзгарувчанлиги ҳам бевосита ўз таъсирини кўрсатади.

Stephen A. Ross, Randolph W. Westerfield, Bradford D. Jordan капитал жалб қилиш, пул оқимлари, инвестицион фаолият, молиявий натижалар, фойдани тақсимлаш, дивидендлар тўлаш, бирлашишлар ва қўшиб олишлар, ташқи иқтисодий фаолият кабиларга солиқларнинг таъсирини атрофлича тадқиқ қилган [2].

Н.С. Mehrotra, S.P. Goyal 2022-2023 ва 2023-2024 йилларда корпоратив солиқларни режалаштириш ва бошқариш нуқтаи назаридан

солиқ мажбуриятларини олдиндан прогнозлаш, бизнес кўлами, жойлашуви ва ташкилий шаклни белгилашда солиқ омилини ҳисобга олиш, капитал таркиби билан боғлиқ солиқларни режалаштириш, дивиденд сиёсатига солиқлар таъсири, эркин савдо зоналарига нисбатан солиқ қоидалари, инфратузилмани ривожлантириш, қолоқ ҳудудларга инвестициялар киритиш орқали солиқ енгилликларига эга бўлиш, экспорт орқали солиқ имтиёзлари эга бўлиш, бирлашишлар ва қўшиб олишларга солиқлар таъсири, икки томонлама солиқ тўлашдан қочиш, халқаро ҳамкорлик ва қўшма корхоналар фаолиятидаги солиққа оид қоидалар хусусида тадқиқотларига гувоҳ бўлиш мумкин [3]. Бунда йилларнинг бундай кўрсатилишига сабаб молия йилининг сентябрь ёки октябрь ойида бошланишидир.

Ш.Тошматов илмий ишларида эса корхоналар иқтисодий фаоллигини оширишда солиқлар ролини ошириш муаммолари ўрганилган [4]. Б.Тошмуродованинг илмий ишларида солиқ менежменти ва уни корхоналарда ташкил этишнинг хусусиятлари тадқиқ этилган [5]. Б.Санақулова томонидан кичик тадбиркорлик субъектлари фаолиятида солиқ менежментини ташкил этиш масалалари очиб берилган [6].

Тадқиқот методологияси

Корпоратив молияни бошқаришда солиқ омилини ҳисобга олишга доир мазкур мақолада илмий абстракциялаш, анализ ва синтез, қиёсий таққослаш методларидан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси

Корпоратив молиянинг иқтисодий моҳиятини асослашга қаратилган турли ёндашувлар мавжуд. Бу борада тадқиқотлар олиб борган инглиз иқтисодчи олимларидан Ричард А.Брейли ва бошқалар «Корпоратив молия бу барчаси бозор қийматини максималлаштириш ҳақидадир» [7], дея ёндашади. Стефен А.Росс ва бошқалар эса корпоратив молия амалиётига «Корпоратив молия умумий ҳолда «Узоқ муддатли инвестицияларни қандай жалб қилиш керак?», «Узоқ муддатли молиялаштиришни қаердан олмоқчисиз: қўшимча таъсисчи жалб қиласизми ёки қарз оласизми?», «Кундалик молиявий фаолият бўйича харидорлардан тушумлар ва мол етказиб берувчиларга харажатларни қандай тартибда бошқарасиз?» каби учта саволга жавоб топиш» [2] сифатида қарайди. Юқоридаги изоҳларда асосан фаолиятини давом эттираётган корпоратив тузилмалардаги молиявий муносабатлар нуқтаи назаридан тор доирада ёндашилган. Бизнинг фикримизча, корпоратив молия – юридик ва жисмоний шахсларнинг ўз мулкларини ихтиёрий


равишда бирлаштириш орқали тижорат ташкилотини ташкил этиш ва тижорат ташкилотининг фаолияти билан боғлиқ молиявий муносабатларни англатади.

Молия тизимининг айнан шу соҳасида иқтисодиётнинг турли тармоқларига тақсимланадиган даромадларнинг асосий қисми шаклланади ва бу даромадлар иқтисодий тараққиётнинг ҳамда жамият равнақининг асосий молиявий манбаси сифатида хизмат қилади. Корпоратив тузилмалар даромадлари ўзини ўзи молиялаштириш учун, ишчи-ходимлар ва давлат олдидаги мажбуриятлари ҳамда бошқа йўналишларга тақсимланади. Бундан корпоратив молияни самарали ташкил этиш жамият ижтимоий-иқтисодий тараққиёти учун доимий эътибор талаб қилишини кўриш мумкин. Корпоратив молия бугунги кунга келиб, халқаро молия тизимининг асоси сифатида ҳам хизмат қилмоқда. Айнан шундай ҳолатда мамлакатимизда корпоратив молияни самарали ташкил этиш мамлакатимиз иқтисодий тараққиётини юксалтириш билан бирга, халқаро иқтисодий интеграциялашув жараёнининг юксалишига имкон беради. Чунки ташқи савдо муносабатларида айнан давлатлар билан бир қаторда корпоратив тузилмалар ҳам фаол иштирок этади.

Бозор иқтисодиёти шароитида корпоратив тузилмаларнинг молиявий муносабатларини қуйидаги тўртта гуруҳ бўйича таснифладик (1-расм).

1-расмда келтирилган корпоратив молиявий муносабатларнинг юзага келиши бевосита ёки билвосита солиқ муносабатларига юзага келишига сабаб бўлиши мумкин. Бундан ташқари давлатнинг корпоратив тузилмалар билан молиявий муносабатлари бевосита давлат рўйхатидан ўтказиш ва фаолиятни тартибга солишдан тортиб истеъмолчи сифатида давлат харидини амалга ошириш ҳамда давлат қимматли қоғозларини корпоратив тузилмалар ўртасида жойлаштириш каби ҳолатларгача намоён бўлишини кўрамиз.

Маълумки, давлат солиқлар орқали иқтисодий жараёнларин тартибга солишдан ташқари ўз функцияларини бажариши учун зарур бўлган молиявий ресурсларга ҳам эга бўлади. Солиқларни жорий этиш, солиқ прогностини орқали давлат бюджети параметрларини тузиш, солиқ йиғилувчанлик даражасини ошириш, солиқ маъмурчилигини такомиллаштириш давлат солиқ менежментининг асосини ташкил этади. Шунингдек, корпоратив тузилмалар томонидан солиққа тортиш тартибларини танлаш, имтиёз ва преференцияларга мослашиш, шартномаларнинг солиқ оқибатларига таъсирини баҳолаш орқали корпоратив солиқ менежментининг амал қилиши таъминланади.




1-расм. Корпоратив тузилмалар молиявий муносабатлари таснифи¹

Солиқ менежменти давлат ва корпоратив тузилмалар миқёсида ҳам ўхшаш, ҳам бир-бирига қарама-қарши тушунчалар сифатида намоён бўлади. Яъни, давлат томонидан солиқларни бошқариш солиқ тизимини тартибга солиш ҳамда солиқларни белгиланган муддатларда ва тўлиқ тегишли бюджетларга тушишини таъминлашга қаратилса, солиқ тўловчилар бунга қарама-қарши равишда солиқ мажбуриятларини бошқариш орқали солиқларни имкон қадар кечроқ ҳамда камроқ тўлашга интиладилар. Бу ҳолатга бозор иқтисодиёти қонуниятлари сифатида ёндашишимиз лозим. Яъни «Давлат солиқ менежменти давлат

¹Муаллиф томонидан тузилди.

манфаатларини кўзлайди, корпоратив солиқ менежменти эса конкрет ташкилот, конкрет жамоа манфаатларидан келиб чиқади» [8].

Хукукий жиҳатдан солиқларнинг амал қилиши давлат томонидан тартибга солиб борилганлиги туфайли корпоратив тузилмалар учун ўрнатилган солиқ юки кўп ҳолатларда манфаатлар уйғунлигига мос тушмайди. Чунки корпоратив тузилмалар солиқ тўловчилар сифатида давлат томонидан ўрнатилган солиқ қонунчилиги доирасида ўзларининг солиқ мажбуриятларини бошқариб боради. Умуман, давлат солиқ менежменти ва корпоратив солиқ менежментининг ташкилий хусусиятларини келтириб ўтамиз (2-расм):



2-расм. Давлат солиқ менежменти ва корпоратив солиқ менежменти ташкилий хусусиятлари²

Амалиётда солиқлар иқтисодий тартибга солишнинг муҳим воситаси сифатида кўринади. Айнан шундай шароитда корпоратив тузилмаларда молиявий қарорлар ҳеч қачон солиқларни ҳисобга олмасдан қабул қилинмаслиги лозим. Корхонада доимий равишда асосий функцияси мазкур корхона фаолиятини солиқ нуқтаи назаридан кузатиш ва таҳлил қилиш бўлган ички ва ташқи мутахассислар бўлиши мақсадга мувофиқ. Агар солиқлар корпоратив тузилма молиявий стратегиясида эътиборга олинмаса, кимдир уларни ўз вақтида ва тўғри ҳисоблаши, шунингдек уларни оптималлаштириш бўйича чора-тадбирлар қабул қилиши керак.

²Муаллиф томонидан тузилган.

Солиқ тўловчиларда «солиқларни тўламаслик мумкин эмас экан, унда мумкин қадар камроқ тўлаш керак» деган ёндашувни шакллантириш ўз солиқ мажбуриятларини таъқиқланмаган қонуний усуллар ёрдамида камайтириш бозор иқтисодиёти талаби бўлиб, бу уларнинг ҳуқуқи сифатида асосланишига хизмат қилади.

Корпоратив молияни бошқаришнинг таркибий қисми сифатида корпоратив солиқ менежментида солиқ мажбуриятларини бошқариш, солиқларни режалаштириш, солиқ рискларини бошқариш, ички солиқ назоратини ташкил этиш, солиқларни қонун доирасида камайтириш бўйича схемалар ишлаб чиқиш кабиларга эътибор қаратиш лозим, деб ҳисоблаймиз.

Корпоратив молияни бошқаришда солиқ муносабатларини самарали ташкил этишнинг энг асосий йўналишларидан бири солиқларни режалаштиришдир. Солиқларни режалаштириш ташкилий-ҳуқуқий шаклни танлаш ва фаолиятни қайси ҳудудда ташкил этиш бўйича қарор қабул қилишдан тортиб, солиқ мажбуриятларининг ижросини белгиланган тартибда таъминлашга қадар барча жараёнларни қамраб олади. Шундан келиб чиққан ҳолда қуйида солиқларни режалаштиришнинг мазмун-моҳияти, корпоратив молияни бошқариш тизимидаги ўрни ҳақида тўхталиб ўтамиз.

Фикримизча, солиқларни режалаштириш – қонунчилик томонидан тақдим этилган енгилликлар ва солиқ мажбуриятларини қисқартиришнинг бошқа қонуний усулларида фойдаланган ҳолда солиқлар ва мажбурий ажратмаларни камайтириш ҳамда солиқ мажбуриятларини белгиланган тартибда бажариш бўйича белгиланадиган молиявий режалаштириш туридир. Бозор иқтисодиёти шароитида солиқларни режалаштиришга бўлган заруратни Т.С.Маликовнинг «ҳар бир солиқ тўловчи неча сўм, қачон ва нима учун солиқ тўлаши лозимлигини билмоғи керак» [9], деган фикри ўзида тўлиқ ифода қилади.

Солиқларни режалаштириш амалиётини стратегик, жорий ва оператив режалаштириш босқичлари асосида ташкил этилгандагина самарали бўлишини алоҳида қайд этиб ўтиш зарур. Фаолиятини давом эттириб келаётган корпоратив тузилмаларда фаолиятни диверсификациялаш ёки кенгайтириш билан боғлиқ ҳолатларда солиқларни қисман стратегик режалаштириш амал қилиши асосида асосан жорий режалаштиришга устувор даражада эътибор қаратилиши лозимлигини алоҳида қайд этиб ўтиш зарур. Бунда бизнингча, асосий жиҳатлар сифатида умумий ва хусусий тартибда қуйидагиларга эътибор қаратиш муҳим. Ўз навбатида солиқларни режалаштиришнинг амал қилишида унинг самарадорлигини аниқлаш муҳим ҳисобланади. Чунки бу

амалиёт корпоратив тузилмадан маълум миқдордаги харажатларни талаб қилиши маълум. Шу боисдан қуйида солиқларни жорий режалаштиришда эътибор қаратиладиган ташкилий жиҳатлар ва унинг самарадорлигини баҳолаш мезонларини келтириб ўтамыз (1-жадвал).

1-жадвал

Солиқларни жорий режалаштиришнинг ташкилий жиҳатлари ва самарадорлигини баҳолаш мезонлари³

№	Ташкилий жиҳатлар	Эътибор қаратиладиган масалалар
1.	Умумий тартибда ташкилий жиҳатлар	Ҳисобот даври асосида солиқ қонунчилиги мониторинги Бошқа фаолият турларини ва операцияларни кузатиб бориш Кутилаётган ички ўзгаришлар асосида солиқларни режалаштириш Ташқи муҳитда кутилаётган ўзгаришлар асосида солиқларни режалаштириш
2.	Хусусий тартибда ташкилий жиҳатлар	Ҳар бир солиқ тури бўйича солиқ базаларини таҳлил қилиб бориш Солиқ қонунчилиги асосида ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқиш Алоҳида тартибда солиқ ҳисобини ташкил этиш ва юритиш Солиқ мажбуриятлари ижросини режали тартибда назорат қилиб бориш
3.	Самарали тузилмалар яратиш ва улар иш фаоллигини ошириш	Тезкор ва аниқ ахборотлар билан таъминлаш Аниқ таҳлил қилиш имконини берувчи дастурий воситалар билан таъминлаш Солиқ органлари билан доимий алоқани таъминловчи ишчи муҳит яратиш Натижага йўналтирилган рағбатлантириш тизимини йўлга қўйиш
4.	Баҳолаш мезонларини белгилаш	Солиқларни режалаштириш орқали тежалган маблағлар миқдорини аниқлаш Солиқ рисклари юзага келиши натижасидаги зарарларни баҳолаш Солиқларни режалаштиришни ташкил этиш билан боғлиқ харажатларни белгилаш Солиқларни режалаштириш натижасида олинган қўшимча фойда ёки қўшимча харажат натижасидаги зарар

Солиқларни режалаштиришнинг самарадорлигини баҳолашда йўлга қўйилган амалиёт натижасида биринчи навбатда эришилган ижобий натижага эътибор қаратишимиз мақсадга мувофиқ. Бунинг учун эса солиқ мажбуриятларини камайтириш ёки кечиктириш билан эришилган натижадан солиқ рисклари юзага келиши натижасидаги йўқотишлар ва солиқларни режалаштиришнинг ташкилий харажатларини чегириш орқали натижани аниқлаш талаб этилади.

Корпоратив солиқларни режалаштиришнинг амал қилиши иккинчи томондан мантиқан давлат бюджети даромадларининг камайишига ҳам сабаб бўлади. Шу боисдан корпоратив миқёсда солиқларни режалаштиришни чегаралаш мақсадида давлат томонидан ҳам қатор чоратадбирлар кўрилишини алоҳида таъкидлашимиз лозим. Бу борада

³Муаллиф томонидан тузилган.

Б.Тошмуродова таъкидлашича, «Кўпчилик давлатларнинг ҳуқуқни қўллаш амалиётида солиқларни тўлашдан бўйин товлашнинг олдини олишга, шунингдек солиқларни режалаштиришни қўллаш соҳасини жиддий равишда чегаралаш имконини берадиган махсус усуллар шаклланган» [10].

Корпоратив тузилмаларда солиқларни режалаштиришнинг амалдаги ҳолати таҳлил қилинганда қуйидаги иккита ҳолатга гувоҳ бўлдик:

Биринчидан, давлат иштирокидаги корпоратив тузилмалар солиқ мажбуриятларини ўз вақтида тўлиқ бажаришга интилади, уларда солиқларни режалаштириш орқали мажбуриятларни камайтиришга жиддий эътибор қаратилмайди.

Иккинчидан, хусусий корпоратив тузилмалар, шунингдек чет эл капитали иштирокидаги акциядорлик жамиятларида солиқларни режалаштириш биринчи навбатда солиқ мажбуриятларини минималлаштириш, тўловларни оптималлаштиришга қаратилганлигини кўриш мумкин.



3-расм. Солиқ рискларини бошқаришда рискларга таъсир этиш ва ички солиқ назорати ўтказиш кетма-кетлиги⁴

Солиқ рискларининг ҳар бир турини ҳисобга олган ҳолда корпоратив тузилмаларда солиқ рискларини самарали бошқариш нуқтаи назаридан қуйидагиларга эътибор қаратиш лозим, деб ҳисоблаймиз (3-расм).

Солиқ рискларини бошқаришда ички солиқ назоратини ўтказиш ҳам муҳим ҳисобланади. Унда амалиётда кўп учрайдиган солиқ хатолари, бухгалтерия ҳисобини юритиш бўйича юзага келадиган муаммоли ҳолатлар, солиқ таҳлили кабиларга эътибор қаратиш талаб этилади.

Солиқ тўловчилар томонидан молиявий қонунчиликка, хусусан, солиқ қонунчилигига риоя қилишни таъминлаш, шунингдек, солиққа оид қонунбузарлик ҳолатларини солиқ текширувларига қадар аниқлашни ташкил этиш ва шу орқали корпоратив тузилмалар молиявий ҳолатига жиддий таъсир кўрсатадиган молиявий йўқотишларни бартараф этиш мақсадида солиқ маслаҳатчиларига ўз хизматларини таклиф қиладилар. Умумий ҳолда солиқ маслаҳати бюджет даромадларининг шаклланиши нуқтаи назаридан давлат иқтисодий манфаатлари ҳамда фаолият самарадорлигини ошириш нуқтаи назаридан солиқ тўловчилар манфаатлари уйғунлигига эришишга йўналтирилган фаолиятдир.

Ривожланган давлатларда солиқ маслаҳатининг ривожланиши ўрганилганда, бу соҳанинг корпоратив молияни бошқаришда ва иқтисодий тараққиёт учун муҳимлиги солиқ қонунчилигининг мураккаблиги ва унинг доимий равишда солиқ тўловчиларга муайян талаблар қўйиши; солиқ маъмурчилиги ва солиқ тўловчи ўртасидаги ўзаро зиддиятли вазиятлар доимий мавжудлиги; солиқ муносабатларида оддий солиқ тўловчининг профессионал солиқ маслаҳати билан шуғулланувчи шахслар томонидан таклиф этиладиган ёрдамга муҳтожлиги; солиқ мажбуриятларини бажаришда ёрдам кўрсатиш билан бирга қонун доирасида солиқ юкини камайтириш мақсадида ҳам хизмат қилиши; корхоналарнинг солиққа тортиш билан боғлиқ муаммоларини ҳал қилиш учун иқтисодий билимнинг алоҳида соҳаси шуғулланиши лозимлиги кабилар билан боғланганлигига гувоҳ бўлдик.

Солиқ маслаҳати институтининг бозор инфраструктураси муҳим институтига айланишини таъминлаш мақсадида улар фаолият доирасини қонунчилик асосида кенгайтириш лозим. Солиқ маслаҳати институтини ривожлантириш ва фаолият кўламини кенгайтириш мақсадида, аввало, малака сертификатини олиш бўйича мажбурий шартларни қисқартириш лозим. Хусусан, давлат солиқ органларида камида 5 йил ишлаган

⁴Муаллиф томонидан тузилган.

ходимлар солиқ маслаҳатчиси малака сертификатини олишлари учун белгиланган шартлар таркибидан ўқув курсларини ўташ мажбуриятини чиқариб ташлаш лозим. Бунда уларнинг солиқ маслаҳатчиси сертификатини олишларига вақт омили салбий таъсир кўрсатмоқда.

Ўз навбатида мамлакатимизда профессионал солиқ маслаҳати хизматини йўлга қўйиш учун солиқ маслаҳатчилари компетентлиги асосида тоифаларни жорий этиш лозим. Бунда фаолият доираси кенгайиб бориш тартибида жисмоний шахслар; кичик бизнес субъектлари; йирик реал сектор корхоналари; молия бозори институтлари; суд ишлари бўйича солиқ маслаҳати хизмати кўрсатиш тоифаланиши лозим, деб ҳисоблаймиз.

Солиқ тушумлари прогнозини асосли тарзда ташкил этиш мақсадида параллел равишда йирик солиқ тўловчилар томонидан молия йили бўйича солиқ тўловлари режалаштирилишини йўлга қўйиш лозим. Бундай фаолиятнинг солиқ маслаҳати ташкилотлари томонидан ҳам амалга оширилиши услубий таъминлаш учун солиқларни режалаштириш бўйича алоҳида солиқ маслаҳати миллий стандартини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш керак. Унда корпоратив стратегиялар ишлаб чиқиш ва амалга оширишда солиқларни ҳисобга олиш; солиқ мажбуриятларини бажариш юзасидан ҳисобот тақдим этиш ва тўлов муддатлари, шунингдек, тўловларни ўз вақтида амалга ошириш чоралари акс этган солиқ календарларини тузиш; амалдаги солиқ имтиёзларидан тўлиқ фойдаланиш; давлат томонидан иқтисодиётни ривожлантириш мақсадида солиқ имтиёзлари тақдим этилган соҳаларда фаолиятни ташкил этиш (масалан, маҳаллийлаштириш дастури) бўйича маслаҳатлар бериш назарда тутилиши лозим.

Хулоса

Мазкур тадқиқот иши доирасида қуйидаги хулосаларни шакллантиришга муваффақ бўлинди:

1. Корпоратив молияни бошқаришда солиқларни режалаштиришнинг стратегик, жорий ва оператив режалаштириш каби босқичлар асосида амал қилиши солиқ муносабатларини ташкил этиш билан боғлиқ комплекс масалалар ҳал қилинишига имкон беради. Бунда солиқ қонунчилиги мониторингини ўтказиш, ички ва ташқи муҳитда кутилаётган ўзгаришларнинг солиқ оқибатларини баҳолаш, солиқ мажбуриятлари ижросини режали тартибда назорат қилиб бориш солиқларни жорий режалаштиришнинг асосий жиҳатлари ҳисобланади ва бу жиҳатлар солиқ тўловларининг ўз вақтида тўлиқ амалга оширилишини таъминлайди ҳамда солиқларнинг йиғилувчанлик даражасини оширишга хизмат қилади.

2. Корпоратив молияни бошқаришда солиқларни режалаштириш самарадорлиги бевосита олинган қўшимча фойда ёки қилинган харажат

туфайли кўрилган зарар билан баҳоланади. Айнан эришилган қўшимча фойда асосида натижага йўналтирилган рағбатлантириш тизимини йўлга қўйиш солиқларни режалаштириш самарадорлиги ўсишини таъминлайди. Бунда солиқ органлари билан доимий алоқани таъминловчи ишчи муҳит яратиш, тезкор ва аниқ ахборотлар ҳамда уларни чуқур таҳлил қилиш имконини берувчи дастурий воситалар билан ишлаш масалаларига ҳам эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ.

3. Корпоратив тузилмалар молиявий-хўжалик фаолияти бўйича солиқ хатоликлари ва ҳуқуқбузарликларини аниқлаш ҳамда бартараф этишга қаратилган солиқ рискларини аниқлаш, баҳолаш ва уларга таъсир этиш ҳамда ички солиқ назоратини ўтказиш солиқ объектларининг ўз вақтида ҳисобга олинишидан то тўловларнинг бюджетга ўз вақтида амалга оширилишигача бўлган жараёнларни қамраб олади. Бу, ўз навбатида, солиқлар билан боғлиқ пеня ва жарималар қўлланилиши натижасидаги қўшимча молиявий йўқотишларнинг олдини олади.

4. Солиқ маслаҳатчиси малака сертификатини олиш учун белгиланган шартлар таркибидан ўқув курсларини ўташ мажбуриятини давлат солиқ органларида камида 5 йил ишлаган ходимлардан олиб ташлаш лозим. Айни вақтда вақт омили уларнинг солиқ маслаҳатчиси сертификатини олишларига салбий таъсир кўрсатмоқда, бу жиҳат солиқ маслаҳати бозорининг кенгайишига тўсқинлик қилмоқда.

5. Мамлакатимизда профессионал солиқ маслаҳати хизматини жорий этиш учун солиқ маслаҳатчилари компетентлигига мос равишда тоифалар белгиланиши лозим. Бунда солиқ маслаҳати хизмати кўрсатиш фаолиятининг доираси кенгайиб бориш тартибида жисмоний шахслар; кичик бизнес субъектлари; йирик реал сектор корхоналари; молия бозори институтлари; суд ишлари бўйича тоифаланган ҳолда белгиланади. Солиқ маслаҳатининг тоифаланиши хизмат кўрсатиш сифатининг ўсишини таъминлайди.

6. Солиқ маслаҳати ташкилотларига солиқ ва молиявий ҳисоботларни тузиш билан бирга тегишли органларга солиқ тўловчи номидан тақдим этишваколатини ҳам бериш фаолият доирасининг кенгайишини таъминлаш билан бирга солиқ муносабатларини ташкил этишнинг такомиллашувига олиб келади.

7. Йирик солиқ тўловчилар бўйича солиқ тушумлари прогнози ва солиқларни режалаштиришнинг параллел равишда молия йили бўйича ташкил этилишида давлат бюджети даромадлари прогноз кўрсаткичларининг асосли бўлишини таъминлайди. Солиқларни режалаштириш бўйича алоҳида солиқ маслаҳати миллий стандартини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш бундай фаолиятнинг солиқ маслаҳати ташкилотлари

томонидан ҳам амалга оширилишини услубий таъминлашга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60 сонли Фармони.
2. Stephen A. Ross, Randolph W. Westerfield, Bradford D. Jordan. Fundamentals of Corporate finance. – McGraw Hill, 2022. – 704 p.
3. H.C.Mehrotra, S.P Goyal. Corporate Tax Planning & Management AY 2022-23 & 2023-24. 20th Edition. Sahitya Brawan, 2022
4. Тошматов Ш. Корхоналарни ривожлантиришда солиқлар роли. – Т.: “Fan va texnologiya”, 2008. – 204 б.
5. Тошмуродова Б. Иқтисодий тараққиётга эришишда солиқлардан самарали фойдаланиш. Иқт. фан. док. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2007. – 44 б.
6. Санакулова Б. Кичик тадбиркорлик субъектларини солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш орқали иқтисодий ўсишни таъминлаш. Иқт. фан. док. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2016. – 87 б.
7. Richard A. Brealey, Stewart C. Myers, Franklin Allen. Fundamentals of Corporate Finance. Seventh Global Edition. – McGraw-Hill Education, 2014. – p.51.
8. Под. ред. А.Г.Поршнева. Налоговый менеджмент. – М.: «ИНФРА-М», 2003. – С. 26.
9. Маликов Т.С., Жалилов П.Т. Бюджет-солиқ сиёсати. Монография. – Т.: “Академнашр”, 2011. – Б. 195.
10. Тошмуродова Б. Солиқ назорати. Ўқув қўлланма. – Т.: «Iqtisod-moliya», 2007. – Б. 71.